



**БУНЁДКОР ҚАЛБ
МЎЪЖИЗАЛАРИ** 2

**ЎЙЛАМАСДАН
ЧЎҚИЛГАН ДОН —
БЎЛАР ЭКАН
ОФАТИ ЖОН**



3



**БЎЛАР ЭЛНИНГ
БОТИРЛАРИ** 4

**ТИРСАК БЎҒИМИ:
ХАВФ ВА АСОРАТЛАР**



7



ЎзА сурат-лавҳаси

Навқирон авлоди жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, истеъдод ва салоҳиятини намоён этиши учун кенг шароит ва имкониятлар яратилаётир. Шу маънода Термизда ўтказилган “Маҳалла менинг тақдириmda” кўрик-танловининг Сурхондарё вилояти босқичида 2 минг 848 ўқувчи қатнашиши замирида ҳам улкан мақсадлар мужассам. Бу, албатта, кутилаётган катта ютуқлардан далолат.

**МУХТАРАМ
ЮРТДОШЛАР!
Ошлангизнинг яна бир
сирдош, дилдош дўстига
айланиб қолган
севимли газетангизга**

**2016 йил
учун обуна
давом
этмоқда!
Обуна
индекси —
176**



МТ МАТБУОТ тарқатувчи

акциядорлик компанияси халқимизнинг маънавий дунёсини бойитиш, кундалик ахборотга бўлган эҳтиёжни қондиришдек хайрли ишларга дахлдор эканлиги бизни янада жиддийроқ ишлашга ундайди, зиммамизга масъулият ва долзарб вазифалар юклайди.

Компаниямиз 2016 йил учун вақтли матбуот нашрларига обуна уюштирмоқда.

ОБУНАГА КЎМАКЧИ — “МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ”!

Мурожаат учун телефонлар: 233-67-98, 234-85-99



БУНЁДКОР ҚАЛБ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Бетиним ёққан ёмғир томчилари тонга яқин қорға айланади, ғуборлардан фориг заминни оқликка буркади. Эркин ота қавснинг ажиб турланишини кузатаркан, ҳаёл уни ортага етаклади. Йиллар йироқлаштирган қадрдон чехралар кўз олдида бир-бир намоён бўлади. Мана ўша, ҳаво узра ўйноқлаб ерга тушаётган қор парчаларидек покиза болаликнинг хушвақт дамлари. Чўян печда чирсиллаётган хўл ўтиннинг ачимсиқ хиди тугган хонанинг бир бурчида онаси керосин чироқ ёруғида нимадир тикаяпти. У бир-бирининг пинжига кириб ухлаётган дилбандлари оромини бузмаслик учун шунчалар секин ҳаракатланадики, ҳатто нафас олгани ҳам сезилмайди.

— Эркинжон, давомини эртага ўқирсан, дамингни олақол, болам. Ҳадемай тонг ёришади, — дейди она ялинганнамо оҳангда “китобчи” ўлига қараб.

Бу мўъжаз хона деворларининг тили бўлса эди, тунни тонга уловчи, кечмишлари туташ бедорлар — она, ўғил ва керосин чироқ ўтмишидан сўзлаган бўларди, албатта.

Новчадан келган, дадасиникидай ўткир нигоҳли Эркинжон ўғилхон аянинг бир этагига сиққан ўн фарзандининг учинчиси эди. Китобнинг мўъжизакор оламига гарк бўлган ўша 12 ёшли бола бугун олтишдан ошиб, етмишга етди. У эзгулик қадаган ниҳоллар меваси тотли, меҳнатдан буқилган қад эл орасида ҳаммиша тик бўлишини мутолага муҳаббати сабаб англади ва умри шундай яшаш иштиёқи билан ўтмоқда.

Қахрамонимиз, бинокор ва бунёдкор инсон Эркин ота

Хидиров Қоракўл туманининг Зиёрат қишлоғида туғилган. У мактабда ўқиб юрган кезларидаяк, ҳар кеч катта қозон осувчи серфарзанд ота-онасига ёрдамлаша бошлади. Қишлоғидаги кичикроқ гишт заводидан дарсдан кейин гишт қуовчи бўлиб ишлар, тунлари эса ҳаёт ташвишлари эрта қўнган бошини китобдан кўтармасди.



— Дадам раҳматли Қодир ота Хидиров гоят маърифатли инсон эдилар. Узок йиллар мактабда раҳбарлик қилди, бирор марта бу масъулиятли вазифадан ҳавола-ниб гапирганларини кўрмаганмиз. Инсоннинг мартабасини мансаби эмас, одамийлиги баланд қилади, дердилар ҳаммиша. Охиратлари обод бўлсин, ота-онамиз мен ва ога-иниларимни инсонийликка эш қилиб тарбиялайди. Ёшлигимиздан ҳалол луқмага ўргандик. Дадамнинг зиёлилик белгиси бир парча қоғоздангина иборат эмас эди. У киши: “Ўқиш маҳорат, ўқмоқлик эса инсонийлик санъатидир. Ҳамма одам ҳам маҳоратли бўлиши мумкин, бироқ санъаткор инсонлар кам”, деган гапни тез-тез так-

корларди. Шу сабабми, жи-гарларимнинг бари олий маълумотли, ўз касбининг билимдони, — дея, гурурланиб гапирди қахрамонимиз умр дафтери саҳифаларини бир-бир варақлар экан.

Эркин ота Хидиров меҳнат фаолиятини “Аму-Қоракўл” машинасозлик каналида қурувчиликдан бошлаганига ҳам ярим асрдан ўтибди.

Кейинчалик қурилиш гуруҳи бошлиғи сифатида туманда 4 та мактаб, 5 та болалар боғчаси, 6 та чорвачилик комплекси ва 200 га яқин турар-жой объектларини қуриб фойдаланишга топширишда жонбозлик кўрсатди.

— Ўзим қурувчи бўлганим боисми, қаерга бормаи, иморатларни синчковлик билан кузатаман, — дейди Эркин ота. — Биласизми, кейинги 24 йил ичида мамлакатимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари аввалги мингйилликда ҳам қилинмаган эди. Яратганга беҳисоб шукрлар бўлсинки, мустақиллигимиз шарофати билан, Президентимиз раҳнамолигида Челақ қишлоғидаги бу гўша обод ва файзли зиёратгоҳга айланди. Ёхуд Ҳазрат Баҳоуддин Нақш-

Замондошларимиз

банд зиёратгоҳини олайлик, 2003 йилда Юртбошимиз ташаббуси билан бу ерда ҳам кенг қўламдаги бунёдкорлик ишлари олиб борилди.

Бекиёс имкониятлар даврида яшаётган ёшларимизга ҳавас қиламан. Биз авваллари ички ва ташқи кўриниши бир хил бўлган биноларни қурган бўлсак, бугунги кунга келиб, ҳар бир иморатнинг ташқи фасад кўриниши ва ички тузилишига алоҳида эътибор берилмоқда. Қаерга борманг, бир-бирини тақрорламайдиган чиройли иморатларни кўриб кўзингиз қувнайд.

Эркин ота умрининг мазмунига айланган китобхонлик уни тақдир тўхфаси сари етаклагани рост. Ўзбек ва жаҳон классик адабиёти намуналарини ўқир экан, инсон қалбига сездирмайгина кириб келадиган пок муҳаббатни орзу қиларди. Айни йигитликнинг кўркам ва навқирон чоғларида қишлоқ кутубхонасида ишлайдиган камсукум ва нозиктаъб киз унинг ҳаётига ўша орзу ижобати янглиг “таширф буюрди”. Раҳматли Дилдор ая Холлиева билан 33 йил умргузаронлик қилишди. Яратганинги инъоми билан ато этилган Шаҳнозахонни иккаласи киприқларида асраб-авайлаб вояга етказишди. Тақдирни қарангки, кизлари ҳам бобосининг изидан бориб, ўқитувчиликни танлаганида дуога қўл очиб, оқ фотиҳа беришди...

Эркин ака пенсияга чиққанидан кейин гап-гаштагу, чойхонама-чойхона юриб, қийматли вақтини бесамар ўтказишни ўзига эп кўрмади. Ёнига невараларини олиб юртимизнинг гўзал манзилларига саёҳат қилишни хуш кўради. Уларнинг ёнида асл саодат нелигини туяди.

**Маърифат
АБДУҲАМИДОВА,
журналист.
Бухоро вилояти.**

ҲАМЖИҲАТЛИК САМАРАСИ

Дунёда глобаллашув жараёни жадал ривожланиб бораётган бугунги кунда ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни бузғунчи ғоялар таъсиридан асрашга оид ишлар қўламини кенгайтириш биз тарбиячи ва ўқитувчиларнинг зиммасига ҳар қачонгидан кўра кўпроқ масъулият юклайди. Бунинг учун энг аввало, ёшларга юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тушунириш, бой маънавий меросимиз тарғиботини янада кенгайтиришимиз жуда муҳим.

Жамиятнинг етук шахсларини тарбиялашимиз учун юксак маънавиятли ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратишимиз кераклиги нафақат ота-оналар, балки ўқитувчи ва тарбиячиларнинг ҳам муҳим вазифаси этиб белги-ланган. Чунки инсоннинг соф туйғула-ри, илк ҳаётий тушунча ва тасавурла-ри биринчи галда оилада шакллана-да, мактаб ва ўқув даргоҳларида янада сай-қалланади.

Психологларнинг таъкидлашича, бо-ланинг онги, асосан, 5-7 ёшда шакл-ланиб, айнан шу даврга унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавият-

нинг илк куртаклари намоён бўлар экан. Халқимизнинг “Қуш уясида кўрганни қилади”, деган доно мақоли мана шу азалий ҳақиқатни яққол акс эттиради.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш ҳақида сўз борганда, оила, таълим мас-канлари ва маҳалла алоҳида-алоҳида тизимда иш олиб боролмайди. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, ёрдамга муҳтожлар ҳолидан хабар олиш, тўй-томоша, ҳашарларни кўпчи-лик билан бамаслаҳат ўтказиш каби халқ-қимизга хос урф-одат ва аъёналар дастлаб маҳалла муҳитида шаклланиб, ривожланади.

Ёшларнинг маърифатли ва зиёли бўлиши эса кўп жиҳатдан таълим мас-канларида олган билимларига боғлиқ. Ота-боболаримиз қадимдан бегоҳ бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат раванқининг энг асосий шarti деб бил-ган. Халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг олган таъ-лим ва тарбиясига боғлиқ эканини яхши биламиз.

Шу маънода бугунги кунда ёшлар тарбиясида, миллий кадрларимизни уларнинг онгига чуқур сингдиришда ҳам

давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамжиҳатликда ҳамда ҳамкорлик-да олиб бораётган ишлари таҳсинга лойиқдир.

Бизнинг коллежимизда ҳам ўқувчи-ларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, улар-нинг жамиятда ўз ўринларини топиш-ларига қўмақлашиш борасида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Таълим-тарбияни янада мустаҳкамлаш учун ҳар бир ўқувчининг яшаш жойига, маҳалласи ва оиласига суянамиз. Ёшлар тарбияси бўйича мутахассслар билан ўтказиладиган суҳбатлар, соғлом тур-муш тарзини тарғиб этишдаги тарғибот ишларимизда ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига оид психологик, тиббий, маънавий-маърифий билимларини оши-риш, ўғил-қизларнинг таълим жараёни-да, мактабдан ташқари машғулотларда эришаётган ютуқлари хусусида фикрла-шамиз. Натижада эса ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳити шаклланиб, ёшларимизнинг ўқишда ҳам, жамиятда ҳам фаол бўлишига эришмоқдамиз.

**Савара АЗИЗХЎЖАЕВА,
Сергели тиббиёт коллежи
ўқитувчиси.**

Танлов

ҒОЛИБАЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

“Тадбиркор аёлнинг энг яхши лойиҳаси” кўрик-танлови республика босқичи **Ўзбек Миллий академик драма театри-да ўтказилди. Унда депу-татлар, Ўзбекистон Хо-тин-қизлар кўмитаси бошқаруви аъзолари, тадбиркор аёллар, фаол-лар, ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди-лар.**

Бу йилги танловда Қора-қалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент ша-ҳар босқичида 1500 нафар-дан ортик тадбиркор аёл турли йўналишларда ўзла-рининг лойиҳалари билан қатнашдилар. Иш режалар “Ишлаб чиқариш соҳасида-ги энг яхши лойиҳа”, “Сер-вис соҳасидаги энг яхши лойиҳа”, “Қишлоқ жойларга мўъжалланган энг яхши лойиҳа” каби номинация-ларда тақдирланди.

— Ушбу кўрик-танлов-нинг ўтказилишидан асосий мақсад юртимиздаги тад-биркор аёлларнинг халққил лойиҳаларини ҳаётга кенг тадбиқ этиш; уларнинг им-тиёзларини кенгайтириш-дан иборатдир, — дейди **Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўрин-босари, Республика Хо-тин-қизлар кўмитаси ра-иси Элмира Боситхоно-ва.** — Қолаверса, хусусий ҳамда кичик бизнес соҳа-сида ва оилавий корхоналар-да раҳбарлик қилаётган аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш орқали хо-тин-қизлар учун иш ўрин-ларини яратиш, аёллар ўрта-сида тадбиркорликни ри-вожлантиришда тўсиқ бўла-ётган муаммоларни аниқ-лаш устувор вазифалардан бири. Бунда яна бир муҳим жиҳат, янги иш ўринларини яратишда қишлоқ аёллари манфаатларини алоҳида инобатга олиш, тажриба ал-машиш, илгор усулларни оммалаштиришга эътибор қаратиш муҳимдир.

Ғолиблар халқимизнинг фаровон ҳаёти, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётини таъминлаш, мулкдор аёл-лар сафини кенгайтириш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлан-тириш, аҳоли турмуш тарзи-ни юксалтириш ва хотин-қизларимизнинг оғирини енгил қилиш борасида олиб борилаётган ислохотлар ривожига қўшаётган ҳисса-си, ҳаётий ва халқчил лой-иҳалари учун диплом ва совғалар билан тақдирлан-дилар. Шунингдек, 14 на-фар 1- ва 2-ўрин ғолибла-рига 4 млрд. 123 миллион сўмлик кредит олишлари учун тижорат банкларининг сертификатлари берилди.

**Ширинхон МЎМИНОВА,
“Оила ва жамият”
муҳбири.**

Оила — муқаддас даргоҳ. Жамиятнинг негизи ҳисобланмиш мазкур гўшада эртанги кунимиз эгалари — ёш авлод тарбияланади. Мухтарам Президентимиз ташаббуси билан янги — 2016 йилнинг “Соғлом она ва бола йили” деб аталишида ҳам мамлакатимизда оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, азалдан қадрлаб келинган анъана ва урф-одатлар, юксак маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, соғлом фарзандни воёга етказишдек хайрли мақсадлар мужассам. Жамиятимиздаги оилаларнинг эртанги қафолати, фарзандлар саломатлиги — бўлажақ келин-куёвларимизнинг ҳар тарафлама етуқлиги ҳамда оила қурувчилар никоҳ ёшига амал қилишларига ҳам боғлиқ. Зеро, оила мустаҳкам экан, авлод ҳам саломатдир.

Эрта никоҳларнинг олдини олиш мақсадида жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари йўлга қўйилганига, маҳалларда, таълим масканларида шу мавзуда суҳбатлар, тушунтириш ишлари олиб борилганга қарамай, баъзи сабабларни рўқач қилиб қизини барвақт узатаётган ёки ёшгина келин олишга уринаётганлар ҳам, афсуски, ораимизда учраб турибди. ФХДЁ бўлимлари ходимлари, маҳалла ва хотин-қизлар кўмиталари фаоллари билан ҳамкорликда уларнинг шошқалоқликларига дарҳол барҳам берамиз. Бу борада айниқса, маҳаллалардаги фаол аёлларимизнинг ёрдами катта. Улар оилалар билан яқинроқ танишишимизда, ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида бартараф этишимизда, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларимизнинг ҳолидан хабар олишимизда ўзларининг беминнат ёрдаларини аямайдилар.

Масалан, яқинда мактабни битирган қизини узатмоқчи бўлган бир оила ҳақида эшитиб қолдик. Ота-оналар билан кўришиб, суҳбатлашдик, тушунтирдик, шундан кейингина улар фикридан қайтди, навниҳоз қиз эса ҳозир коллежда ўқияпти.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Респуб-

ликаси Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида: “Соғлом бола соғлом ва аҳил оиланинг меваси бўлиб, фақатгина соғлом онадан соғлом бола туғилади”, деб таъкидладилар. Шунингдек, юртимизда киз болаларнинг — бўлғуси оналарнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом бўлиб воёга етиши, уларнинг ўрта мактабдан сўнг лицей ва коллежларда таълим олишни таъминлаш, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаши бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигига алоҳида тўхталиб, шундай дедилар: “Қиз болани коллежни битирмасидан, ҳунар эгалламасидан туриб, кимки турмушга бермоқчи бўлса, билиб қўйинглари, буни мен узокни кўрмаслик, калтабинлик деб ҳисоблайман. Қиз бола, аввало, касб эгалласин, ўз фикрига эга бўлсин, ҳаётни англасин. Шундан кейин у ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топади, жамиятимизнинг фаол аъзосига айланади, эртага у қурайдиган оила ҳам мустаҳкам бўлади”.

2013 йил 30 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунга кўра, қизларни эрта турмушга бериш, йигитларни барвақт уйлантирилганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланди.

Ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга берса ёхуд уйлантирса, энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн беш бараваригача, никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга оширган шахсга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима жазоси белгилан-

ди.

Умуман олганда, гап бу борадаги қонунларнинг белгиланганлиги ёки қонунни бузганлиги учун жазони оғир ёки енгиллигига эмас, балки эрта турмушнинг ёшлар ҳаётига, саломатлигига салбий таъсири, инсонлар орасидаги инсонийлик қадрсизлаштиришнинг олдини олишдадир. Уйламай қўйилган қадам, бир эмас бир неча оилаларнинг таъшишига сабаб бўлади.



Дарҳақиқат, халқимиз бежизга: “Уйламасдан чўқилган дон — бўлар экан офати жон”, демаган. Эрта она бўлиш бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Чунки 15-16 ёш ҳали ўсмирлик даври саналиб, бу вақтда қизлар руҳан ҳамда жисмонан тўлиқ ривожланмаган, шахс сифатида тўла шакланмаганлиги туфайли организм ҳомилдорлик, туғруқ ва соғлом фарзандни дунёга келтиришга тўлаллигича етилмаган бўлади. Натижада эрта фарзанд кўриш ёш она ва ундан туғилажак бола саломатлигига ҳам маълум даражада хавф туғдиради. Ҳомила тушиш хавфи, ҳомилдорликнинг оғир кечиши, экстрагенитал касалликларнинг авж олиши, туғруқ фаолияти сустлашиши, кесмакесар йўли билан туғдириш-

лар, ҳомиланинг нимжон ривожланиши, турли тизим ва аъзолар шаклланишида камчилик ёки нуқсонларнинг учраб туриши, эрта ва нисбатан кам вазнда туғилиш кўпроқ учрайди. Она ва бола ўлими кўрсаткичи ҳам бошқа ёшдагиларга нисбатан эрта турмуш қурган аёлларда кўпроқ.

Эрта оналикнинг асосий камчиликлари ўзаро оилавий муносабатларда намоён бўлади. Масалан, бола туғилиши

билан оилавий таъшишлар ҳам туғила боради. Охири-оқибат, янги келин-куёв бир-бирига мослашмасдан туриб, муносабатларига дарз кета бошлайди. Бундан ташқари, эр-хотиннинг бола парварлиши, оилавий муаммоларни ҳал қилишдаги тажрибасизлиги туфайли айнан шундай оилалар кўпинча барбод бўлиб кетмоқда. Бундай оилаларда тарбияланаётган болалар ўртасида касалланиш ва ўлим ҳолатлари юқори даражада қайд қилинади.

Шуни таъкидлаш жоизки, эрта турмуш куриш кўпинча, ҳомиланинг тушишига, фарзандсизликка, боланинг ой-кунни етмай туғилишига сабаб бўлади. Статистик маълумотларга кўра, кўпгина ҳолларда ёш турмуш қурган аёллар, 25-26 ёшга бориб кўп туғувчи

Муносабат

аёллар гуруҳига киритилляпти. Бу эса ўз навбатида уларнинг ва оиласининг саломатлиги заифлашишига сабаб бўлиши мумкин. Тиббий нуқтанга назардан эса аёллар учун фарзанд кўришнинг энг мақбул даври 20-30 ёш оралиги ҳисобланади. Воёга етмаган ўсмирларда ҳомилдорлик даврида ҳомиланинг тушиши, барвақт туғруқлар 20 фоизга кўпроқ учрайди, камқонлик ва айниқса, гипертензив синдромининг ривожланиши сабабли туғруқлар аксарият ҳолатларда қон кетиши ва жароҳлик усули билан кечшига олиб келади. Бунда вазни паст, асфиксияда туғиладиган гўдакларнинг сони ортиб боради. Ўсмир ёшидаги оналар ўлими ҳолатлари эса, 20-30 ёшлиларга нисбатан 5 баробарга ва гўдаклар ўлими кўрсаткичларининг 2 баробарга кўпайиши аниқланган.

Соғлом фарзандни тарбиялаш, ҳар бир ота-онанинг ўрзусидир. Шундай экан, ҳали ўзи бола бўлган фарзандларимизни турмушга бериш ёхуд уйлантириш натижасида уларга нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам жуда катта зарар етказиб қўйишимиз мумкин. Зеро, 2008 йил давлатимизда “Болалар ҳуқуқларини қафолатлаш” ҳақида қонун қабул қилинган ва ушбу қонуннинг биринчи бобида 18 ёшгача бўлган шахс бола ҳисобланади, деб белгиланган. Шундай қилиб, 16-18 ёшда турмуш қураётган ва она бўлаётган ўсмир қизлар давлатимиз қонунлари бўйича ҳам ҳали бола ҳисобланади.

Психологлар ва олимларнинг фикрича, турмуш куриш учун энг мақбул ёш: қиз болалар учун 22-25 ёш, ўғил болалар учун эса 24-30 ёш. Бу ёшга бориб, инсон шахс сифатида шаклланиб бўлади. Бу ёшда инсон турмуш куриш масаласига маъсулият билан қарайди.

Ёшларимиз соғломлиги келажагимиз пойдеворининг мустаҳкам бўлишига асос бўлади. Қизларимизни турмушга беришда уларни “таглик-туглик” жойга узатишни эмас, балки қизларимизнинг ҳам жисмонан, ҳам руҳий ҳолатларини ҳисобга олиб, ҳаётга, рўзгорга, бекаликка, оналикка тайёрлаб боришимиз муҳимдир.

НУРОНИЙЛАР — ХОНАДОН ФАЙЗИ

Ҳар бир ишда кўпни кўрган нуруний отахон ва онахонларнинг ҳаёт тажрибасига, қимматли панду насихатларига суянаемиз. Оилам мустаҳкам бўлсин, фарзандларим эл-юрт қорига камарбаста бўлиб воёга етсин, деганлар, аввало, ўз ота-оналарини эъзозлайдилар. Ёшнинг кучи билагида, кексаники юрагида, деган гап бежизга айтилмаган. Билакдаги куч ҳаммиша ҳам иш бермаслиги мумкин, аммо юракдаги куч, фаҳм-фаросат, ақл, тажриба унча-мунча мушкулоти осонгина бартараф этиши аниқ. Шу боис ҳам хонадонларимиз кексалар билан файзлидир.

Миллий ва диний қадриятларимизда ҳам ёши улуг инсонларни эъзозлаб, уларнинг тажрибасидан баҳраманд бўлиш тарғиб қилинади.

Кексаларни қадрлаш, уларга хурмат-эҳтиром кўрсатиш борасида бизнинг халқимиздек бағрикенг, меҳр-муруватли халқ бўлмас керак. Бу аввало, оилада фарзандларнинг ота-онага гамхўрлиги, меҳрибонлигиде ўз ифодасини топади. Маҳалла-кўй юмуши, тўй-маърака, жамоатчилик тадбирларида ҳам ёши улуг инсонларнинг маслаҳати, бой ҳаётий тажрибасига суяниб иш қўрилади. Асрлар давомида шаклланиб, қадрати даражасига кўтарилган бундай муносабат мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигиде амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларидан бирига айланади.

Ўтаётган йилнинг “Кексаларни эъзозлаш йили” деб номланиши кекса авлод вакилларига бўлган хурмат


ва эътиборнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди. Давлатимиз томонидан нуруний онахон отахонларимизга кўрсатилаётган гамхўрлик ва имтиёзлар туфайли уларнинг кўнгли шод. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари учун коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига белгиланган ҳар ойлик компенсация тўловларини тегишли равишда 50 ва 25 фоизгача кўпайтирилишининг ўзи кекса авлод вакилларига яратилаётган қўлайликлардан бири бўлди. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ, республикаимизнинг санаторий-соғломлаштириш муассасаларига бораётган 1941-1945 йиллардаги

уруш ва меҳнат fronti фахрийлари-га бир йилда бир марта темир йўл транспортда bepул юриш, шунингдек, ҳаво транспорт йўлқираси қий-матининг 50 фоизини чегирилиши қарияларимизни янада мамнун қилди. Мамлакатимизда кекса авлод вакил-ларининг соғлигига жиддий эътибор қаратиш, уларни тез-тез тиббий кўриқдан ўтказиш борасида салмоқ-ли ишлар амалга оширилмоқда.

Нуруний отахон ва онахонларимизнинг ҳаётий бой тажрибаси, пур-маъно сўзларию берган маслаҳатла-ри ёш авлодга куч бериб, хонадон-ларини нурга тўлдиради. Шундай экан, уларни ҳар қанча эъзозлаб, хур-мат ва эҳтиром кўрсатсак кам.

Муҳаббат КОМИЛОВА,
Янгийўл тумани 2-сонли
ДНИ катта нотариуси.

БЎЛАР ЭЛНИНГ БОТИРЛАРИ



Ифтихор

Бугуннинг болалари бошқача. Ҳали мактабга чиқмай туриб, бетакрор чизгилари билан ҳаммани ҳайратга солаётган жажжи мусаввирлар, турли чолғу асбобларида куйларни қойилмақом ижро этаётган митти созандалар бор улар орасида. Бундай болаларни кўрганда ёши улуг инсонлар: “Мустақиллик фарзандлари-да, шунинг учун бошқача булар”, дея таърифлашади. Нима бўлганда ҳам бугуннинг болалари жуда бахтли. Ёш чемпионлар Меҳрождин ва Меҳриддин Жалоловлар ҳам ўз ютуқлари билан тенгдошларидан ажралиб туришади.

Спортнинг каратэ-до тури билан шуғулланиб, халқаро мусобақаларда иштирок этишга ҳам улгурган 10 ёшли Меҳрождин пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 164-мактабда таҳсил олади. Укаси Меҳриддин эса эндигина олти ёшга тўлди.

— Мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилган имкониятлар, ўғил-қизларимизнинг иқтидо-

моқда, бисер тикишга қизиқади. Моҳинур тўқишни яхши кўради. Расмлар чизади. Малика ҳам опасига ўхшаб, рассомчиликка ҳавасманд. Фарзандларимизнинг қизиқишларига қараб турли тўғарақларга берганмиз. Чунки, бола ўзи севиб қиладиган ишни охиригача етказди.

Меҳриддин икки ёшидаёқ ўзича қизиқиб мураккаб машқларни бажарди. 2014 йили ўзим фаолият олиб

Уларга ҳар куни кечкурун иккитадан эртақ айтиб бераман. Бири янги (ўзим ўйлаб топаман) ўзлари ҳақида (албатта, бош қахрамонлар Меҳриддин ва Меҳрождин бўлади), яна бирини китобдан ўқиб бераман. Улар ҳамма болалар каби бахтли болаликни кўриб улгайишмоқда. Чунки биз бир вақтлар кўчада тўп тепиб, болалар билан ўйнаб юрардик. Ҳозир озода жойларда тўпни маҳорат билан тепишни билишади. Маҳалла-миздан нарида бировни танимасдик. Дўстларимиз ҳам кўни-қўшниларимиз эди. Булар эса халқаро турнирларда дунё давлатларидан 10-12 ёшли дўстлар орттириб, мулоқотга киришишган. Бундан фақат фахрланиш керак.

— **Сочи шаҳрида бўлиб ўтган халқаро мусобақада Меҳриддин юртимиз шаънини химоя қилиб келди. Унинг эришган натижалари эътирофга лойиқ. Шу ёшда халқаро майдонга чиқишнинг ўзи бўлмаса керак?**

— Шу йил ёзда Сочига Меҳриддин билан бирга бордим. Биласизми, ўғилларим ҳар гал мусобақалардан олдин Ҳосила Раҳимованинг “Полвон” деган кўшиғидаги

Бу майдонга мардлар тушса ярашар,

Мард майдонда ор-номус деб талашар.

Белни маҳкам бойла ботир полвоним,

Полвон юртнинг обрўси деб курашар,

деган сатрларни такрорлашни қанда қилишмайди.

Тасаввур қилинг, она юртимиздан анча олисдамиз, бегона тил, бошқа одамлар. Дунёнинг қанчалаб давлатларидан болалар келган. Бу сафар ҳам Меҳриддин беллашувга чиққунича шу кўшиқни тинглади. У жуда хотиржам эди. Тўлқинланиб кетдим. 6 ёшида Ватанини севишни, юрт шаънини химоя қилишни билиб ўсатган фарзандимдан она сифатида фахрландим. Спорт ана шундай эзгу туйғуларни болада шакллантирар экан. Шукрки, нуфузли мусобақада кумуш медални кўлга киритди. Тўғриси, ўшанда ўғлимни шохсупада турганини, мадҳиямиз янграганда митти кўлларини кўксига қўйишни кўриб, йиғлаб юбордим.

Меҳрождин:

— **Биласизми, беллашув пайти, рақибдан кўз узмаслик, нигоҳингиз билан: “Мен сени енгман”, дейишингиз керак. Шунда унинг қандай зарба беришини билиб, қарши тайёрлана оласиз. Мен ҳар доим мусобақаларда шундай қиламан.**

Кўпни кўрган боболаримиз ҳаётни пиллапояларга қиёс этишади. Ёшимиз улгайгани сари ўрганиб, билиб, кўтарилиб бораверамиз. Аммо, ҳаёт шохсупада баъзилар 10-20 йилларда эришадиган ютуқларга қахрамонларимиз каби соғлом ва билимли болалар жуда эрта кўтарилишяпти. Юртимиздаги тинчлик, имкониятлар ана шундай натижаларни бермоқда, десак муболага бўлмайди.

Камола АДАШБОВЕВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.



СУТХОТИН ВА СУСХОТИН

— қадимда ёғин ёғмай, қурғоқчилик бўлган баҳорда атайин бировнинг устига жанда кийдириб, бошидан сув куйиб кўчада юргизиб, ёмғир сўраш одати бўлган. Бу одат сутхотин, айрим жойларда эса, сусхотин ёки суштхотин деб аталган.

Сусхотин, сузмахотин, Кўланкаси майдон хотин, Ёмғир ёғдир кўл бўлсин, Ризк-рўзимиз мўл бўлсин!

Халқ кўшиғидан

СЕНТЯБРЬ ВА СУНБУЛА

— “Сентябрь” сўзининг туб илди-зи “еттинчи” деган маънони билдирган. Қадимги Римда 1 мартдан бошланадиган тақвим йилининг еттинчи ойи сентябрь деб аталган. 22 августдан 21 сентябргача давом этадиган Шамсия йил ҳисобидаги олтинчи ойнинг номи “сунбула” деб аталган. “Сунбула” сўзи “бошқоқ” деган маънони англатган. Юсуф Хос Ҳожиб бу буржни “буғдой бошоғи” деган. Шунинг учун сунбула буржининг сурати кўлига буғдой бошоғи ушлаб олган қиз шаклида бўлган.

Сунбулада сув совийди.

Мақол

Сунбуланинг сувини ичган экин қишда яхши сақланади.

Дехқонлар гапидан

НИЗОМ, ИНТИЗОМ ВА МУНТАЗАМ

— бу уч сўзнинг туб илди-зи тартиб маъносига бориб тақалади. “Интизом” “дурни ипга терди” деган маънони англатган. Кейинчалик “мунтазам тус бериш”, “тартибга солиш”, “маълум қоидаларга қатъий риоя қилиш” каби маънолар ҳосил қилинган. “Интизом” сўзининг мазмуни “Ўзбек тилининг этимология кўлиги”да шундай изоҳланган. Демак, бу уч сўз битта илдиздан ўсиб чиққан.

У интизомга мунтазам амал қиларди.

Журналдан

КОЛЛЕЖ – инглиз тилидан кириб келган бўлиб, “дўст, биродар” деган маънони билдиради. Кейинчалик бу сўз халқаро микёсда ўрта махсус, касб-хунара таълими муассасаси маъносини англата бошлаган.

Умуман, “колледж”, “коллегия” сўзлари битта илдиздан ўсиб чиққан.

Рустам коллежда бирга ўқиган ўртоғини бу ерда кўраман деб сира ўйламаган эди.

Газетадан

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.



рени юзага чиқариш борасидаги ғамхўрликлар туфайли бу ака-ука ёш бўлса-да, катта мақсадлар сари интиломқда, — дейди уларнинг онаси **Зухра Саидова**.

Фурсатдан фойдаланиб, Зухра опани саволга тутаман:

— **Бола иқтидорини юзага чиқариш учун у билан тенгма-тенг ўқиш, изланиш ва машғулотларда ҳаммиша унинг ёнида бўлиш керак. Сиз фарзандларингиз тарбиясида асосан, нималарга эътибор қаратасиз?**

— Болалик йилларимизда бугунгидай шароитлар бўлмаган. Ўзим спортнинг теннис турига қизиқардим. Ҳовлимизда арқон тутиб, теннис ўйнаганмиз. Шу боис ушалмаган орзуларим болаларим тимсолида рўёбга чиқишини хоҳлайман. Аммо, оилада фақатгина онанинг эътибори камлик қилади. Ота нафақат фарзандини моддий таъминлаши, балки ҳаммиша уни назорат қилиши керак. Турмуш ўртоғим Зиёвуддин Саидов иқтисодчи бўлиб ишлайди. Бокс билан шуғулланган. Дастлаб қизим Маҳлиёни сузишга ва Моҳинурни гимнастикага бердик. Ўғилларим ҳам опаларига ҳавас қилиб, спортга меҳр қўйишди. Тўнғич қизим Маҳлиё ҳозир чет тилларни ўрган-

бораётган Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейидаги каратэ-до тўғараги машғулотларига олиб бордим. Акаси икковига 4-ДАН қора белбоғ соҳиби Шухрат Қўшмуродов мураббийлик қилмоқда. Бугунги кунгача кўплаб мусобақаларда иштирок этишди. Масалан, Меҳрождин Самарқанд ва Фарғона вилоятида ўтказилган республика мусобақаларида ўз ёш тоифасида олтин медални кўлга киритди. Меҳриддин эса ушбу мусобақаларнинг кумуш медалини олган.

— **Болалик ўйинқароқлиги билан бошқача-да. Албатта, тўғарақларга бериш, унинг бўш вақтини унумли ташкил этиш яхши, лекин, ҳаммиша аниқ мақсад сари интилиш фарзандларингизни болаликнинг беғубор шўхликларини ажратиб қўймайми?**

— Уларни турли томошалар, боғлар, аттракционларга олиб бораман. Лекин ўқиётган китоби, ўйнаётган ўйини ва кўраётган фильмларини назорат қиламан. Негадир ўғилларим уруш, жанглардан иборат мультфильмларни ёқтиришмайди. Табиат манзараси, ҳайвонлар ҳақидаги киноларни ўзлари танлаб кўришади. Бунга албатта, уларнинг кундалиқ фаолиятлари сабаб деб ўйлайман.

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

Хаётда шундай инсонлар бор. Уларнинг суҳбатидан баҳраманд бўлган одамнинг қалби нурга тўлади. Марғилон шахридаги Маъориф маҳалласи фахрига айланган Маъфиратхон ая Отабекова ҳам ана шундай инсонлар сирасига киради. Ҳар жиҳатдан оиласининг ва маҳалладошларининг маънавий суянчигига айланган 82 ёшли бу онахондан маслаҳат сўраб келгувчилар жуда кўп.

ШУКРОНАЛИК — УМР ЗИЙНАТИ

— Маъфиратхон аямизни маҳалламиз Фармонбисиси дейишга одатланганмиз. Онахон бу ҳазилимизни кўнгилга олмайдилар, — дейди шу маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Зулуморхон Собирова. — Бунинг сабаби бор. Айтайлик, ёш оилаларда келишмовчилик бўлса, даров аянинг олдига чопамиз. Ёшлар билан суҳбатлашиб, уларни мурсага келтирадидилар. Тўй-ҳашамдаги дабдабозликлар, исрофгарчиликнинг олдини олишда ҳам у киши энг яқин кўмакчимиз. Улуғ ёшда бўлсалар-да, кўпчиликнинг омушига бош кўшишдан эринмайдилар. Ота-оналарни болага тўғри тарбия беришга ундайдилар.

Маъфиратхон ая ўз маҳалласини, маҳалладошларини яхши кўради. Ўзини улардан айри тасаввур қилолмайди. Улар билан ёнма-ён ўтган куни онахон учун бахт. Дадил сўзлари, ўткир мулоҳазалари, самимий нигоҳлари, аслида, онахоннинг 46 йиллик тажрибасида — бебаҳо касби ўқитувчиликда шаклланган. Шаҳардаги 14-мактабда муаллималик, 2-мактабгача таълим муассасасида мудирлик қилганидаёқ онахон элпарварлик ва ҳалолликни, фидойилик ва меҳнатсеварликни, энг муҳими, ватанпарварликни ўзига шиор қилиб олган эди. Қанча-қанча шогирдлар қалбига чироқ ёқди. Улардан ҳозиргача кекса мураббий раҳмат ва ташаккур эшитади. Маъфират аянинг фарзандлари ҳам оқил ва билимли бўлишди, табобат йўлини танлашди. Ўғли Муҳиддинжон ва қизи Мавлудахон терапевт, кенжа қизи Муаззамхон гинеколог, Мамлакатхон ҳамшира сифатида фаоли-

ят юришиб, эл дардига дармон бўлишяпти. Онахон 9 набира, 9 чеваранинг камолоти йўлида ҳам бефарқ эмас. Улар ҳам бувижонларининг тарбияси билан нуфузли даргоҳларда тахсил олишяпти.

Халқимизда кексаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларни эъзозлаш, бой ҳаётий тажрибасидан унумли фойдаланиш эзгу қадрият даражасига кўтарилган. Айниқса, истиқлол йилларида бу йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгайди. Аввало, ёши

улуг инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш давлат томонидан кафолатланиб, тегишли қонунлар, Президентимизнинг Фармон ва қарорлари қабул қилинди. “Кексаларни эъзозлаш йили” да беқиёс ғамхўрлик ва эътиборга гувоҳ бўлаётган Маъфиратхон ая ҳам бу борада дилидагиларини айтиб толмайди, ҳаяжонланиб сўзлайди:

— Қандай гўзал замонлар келди-я! Оилалар тинч-тотув яшашяпти. Тўкин дастурхон атрофида йиғилиб ўтиришнинг ўзи улуг ҳикмат. Шу ёшга етиб, бу хаётдан топан ҳикматим шу бўлдики, шукроналик — умр зийнати экан. Сабру қаноатли одамнинг кўзи ҳам, кўнгли ҳам тўқ бўлади. Хонадонидан фойз-барака аримайди. Бугунги садодатли кунлардан баҳра олиб, эртанинг бундан-да ёруғ бўлишидан умидвор яшаган одамнинг умрига умр, ризқига ризқ қўшилавераркан. Ўзингиз кузатинг, мен каби кексалар қанча? Уларнинг ҳам қалбида худди шундай қувонч борлиги ҳақиқат. Бунинг қадрига етиш керак.

Суҳбатимиз якунларан пайт Маъфиратхон ая бизга ҳам яхши ниятлар билан дуолар илинди. Онахон сингари нурунийларга қараб эса бизнинг ҳам яхши ниятлар тилимизга кўчади. Чинорларга қиёс момоларим, боболарим, шукрона қилмоқчи сиздан ўргандик. Очарчилик, катагон йиллари, уруш захматларига елка тутган сиз азизларнинг кексиз меҳрингиз сабаб қалбимиз эзгуликда улғаяверади. Сиз ҳаммиса эъзозласиз, ардоғимиздасиз, дегимиз келади.

Мадаминжон СОЛИЖОНОВ.
А.РАҲМОНОВ олган сурат.

ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИ ЁРУФ

— Инсон босиб ўтган умр йўлларига назар солганда, ундаги хато ва камчиликларни кўриб, ўзига ўзи тўғри хулоса чиқарса, келажакни куришда ўша хатоларни такрорламайди, — дейди бугунги қахрамонимиз Мақсуд Шерматов ўзининг ҳаётий тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда.

... Мақсуд ака Янгийўл шахрида зиёлилар оиласида туғилган. У илмга болаликдан қизиқди, шу даврдан қурилиш ишларини кўриб, муҳандис бўлишни кўнглига тугди. Ана шундай эзгу ниятлар уни олий таълим муассасасига етақлади. Дастлаб, Тошкент политехника институти (ҳозирги Тошкент давлат техника университети) нинг инженерлик-қурилиш факультети сув таъминоти ва канализация мутахассислиги бўйича дипломга эга бўлгач, ўз фаолиятини 1984 йили Янгийўл шахар уй-жой бошқармасида чилангар вазифасидан бошлаган эди. У жонқуярлиги, ҳар бир вазифани сидқидилдан, пухта бажаргани боис жамоода обрў қозонди. Кейинчалик Янгийўл тумани “Сувоқова” ИЧШ корхонасида машинист, диспетчер, сув ҳўжалиги бўлими устаси бошлиғи, 2011 йилдан бошлаб эса бош муҳандис лавозимида ишлаб келмоқда.

Муболағасиз айтиш мумкинки, Мақсуд аканинг “умр дафтери” да унутилмас ёзувлар, кечмишлар бисёр. Машақат билан эришилган муваффақият тотли бўлади, деганлари рост экан. Нега десангиз, ўтган йилларнинг ҳар бир куни, ойи қадрли. У ана шу давр ичида ўз соҳасининг пухта билимдон, жонқуяр мутахассис бўлиб элга танилди.

Хушмуомала, ишбилармонлигидан ташқари, у ўзининг узокки кўра оладиган ташкилотчилиги ва вужудга келадиган ҳар бир муаммони бартараф этишда жонқуярлиги ва масъулиятни ҳис қила олиш қобилияти билан касбдошларига ўрнатиб келмоқда. Жамоатчилик ишларида ҳам фаоллик кўрсатиб келётган Мақсуд Шерматов корхона касаба уюшмаси билан биргаликда қатор хайрли ишларга бош бўлганини кўпчилик эътироф этаётир. Шу жамоода кўп йиллар меҳнат қилиб пенсияга чиққан, шунингдек, кам таъминланган бир неча оилага ҳам моддий жиҳатдан кўмак кўрсатишда жонбозлик кўрсатди. Яна бир қувончли жиҳати, ўз касбининг устаси бўлган инсон ана шу давр оралигида 20 дан зиёд шогирд тайёрлади. Ҳозирги кун-

да ана шу йигитлар корхонанинг энг ишончли ходимлари. Тажрибали мутахассис сифатида ном қозонган.

Жамоа раҳбарларидан бири “Албатта, корхонамизда фидойилар кўп, уларнинг қайси бирини айтайлик. Лекин Мақсуд аканинг ўз ўрни ва нуфузи бор, шу инсон ҳақида кўпроқ тўхталсангиз хурсанд бўлардик”, деганини эшитган қахрамонимиз камтаринлик билан шундай деди:

— Бу корхонада ҳаммамнинг зиммасига бириктирилган масъулиятли вазифаси, шарафли бурчи бор. Шундай экан, мени кўпам мактайверманг, эл қатори ишляялман. Шундай дориланом кунларда яшаймиз, Аллоҳга минг қатла шукр, ҳеч кимдан кам жойимиз йўқ, оиламиз тинч, дастурхонимиз тўкин. Аҳил ва иноқ жамоада ҳамма эл хизматиға камарбастар.

Дарҳақиқат, ҳамкасбларининг айтишларича, тумандаги “Халқобод”, “Навбахор”, “Шўралисой” ва “Эски Қовунчи” ҚФЙЛари худудиде яшайётган аҳолини

Фидойилар



тоза ичимлик суви билан таъминлаш билан боғлиқ модернизациялаш ва ривожлантириш жараёнида ўзининг муҳандислик салоҳиятидан тўғри фойдалана олганлиги учун ҳам бу борада ечим излаётган муаммолар ўз вақтида ҳал этилди.

Бир ибратли оиланинг устунли, тўрт фарзанднинг меҳрибон суянчиги бўлмиш Мақсуд ака Шерматов умр

йўлдоши Райхон опа билан бу хонадонда ўзига хос гўзал маънавий муҳит яратишга эришган. Бу оилага кўпчиликнинг ҳаваси келади. Маҳалла-қўйда ҳам улар ҳақида самимий сўзларни эшитиш мумкин. Яна бир ҳавас қиларли жиҳати, Райхон опа кўп йиллар мактабгача таълим муассасасида хизмат қилгани, ҳозир эса фарзандлари тарбияси билан машғуллиги учун бу оиланинг обрўси баланд. Тўнчиқ ўғли Жондавлат дадасига ҳавас қилиб, олий маълумотли муҳандис бўлиб етишди. Қизи Зухра ҳам муҳандис-метролог. Асанжон ҳозирги кунда талаба бўлса, Ойдин Янгийўлдаги тиббиёт коллежида тахсил олмоқда.

Зафар ОМОНТУРСУНОВ,
“Оила ва жамият” мухбири.

РЕКЛАМА ЎРНИДА.

ЭЪЛОН!

Одилова Айимгул Халиқулловна номига берилган Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Марказ-14, 24-уй, 42-хонадон учун № 6681 реестр рақами билан рўйхатга олинган кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЭЪЛОН!

Тошкент ахборот технологиялари университети компьютер инженерлик факультети томонидан Хусенов Фарход Камолович номига берилган №23025 рақамли талабалик гувоҳномаси ва № 2302511 рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЭЪЛОН!

“VENUS AMERICAN LTD” СТИР 200627850 қўшма корхонаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли қарорига асосан тугатилганлиги сабабли корхонанинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Давъолар қуйидаги манзилда қабул қилинади.
Манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, 269-уй. Тел. 140-94-30

ЭЪЛОН!

“AKVEST TECHNOLOGY” СТИР 300755444 қўшма корхонаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли қарорига асосан тугатилганлиги сабабли корхонанинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Давъолар қуйидаги манзилда қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, 269-уй.

Тел. 140-94-30

РЕКЛАМА

АНДРОЛОГИЯ ТИББИЁТ-ДИАГНОСТИКА МАРКАЗИ

куйидаги йўналишлар бўйича соғлигингизни тезда тиклашга ёрдам беради:

АЁЛЛАР САЛОМАТЛИГИ (гинекология хизмати) — Турли яллиғланиш хасталиқларини аниқлаш ва даволаш; аёллар гормонал касалликларини аниқлаш ва даволаш; аёллар бепуштлигини аниқлаш ва даволаш; ёшга нисбатан бўлиши мумкин хасталиқларини аниқлаш; ҳомилдорликни аниқлаш.

ЭРКАКЛАР САЛОМАТЛИГИ (уролог-андролог хизмати) — Жинсий аъзолардаги яллиғланиш касалликларини

аниқлаш; эркаклар саломатлигига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва даволаш; эркаклар бепуштлигининг сабабларини аниқлаш ва даволаш; ёшга доир гормонал касалликларини аниқлаш ва даволаш.

ТУРЛИ ЛАБОРАТОРИЯ ТАҲЛИЛЛАРИ — қондаги биохимик таҳлиллар (Алт. Аст, билурубин, холестерин ва бошқалар), гормонлар таҳлиллар, ўсма касалликларини аниқлаш таҳлиллари, вирусли гепатит касалликларини аниқлаш.

УЛЬТРАТОВУШ ТЕКШИРУВИ ВА ДОПЛЕРОГРАФИЯСИ (УЗИ).

Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 14-мавзе, 28-уй. Тел: (+99871) 275-82-73.

— Турди хола йўклаётганди сизни. Бир ўтиб, кўриб келасизми? — деди синглим қишлоққа келганимнинг эртаси куни, тонг палласи.

— Албатта. Мазаси йўқлигини эшитувдим, айт-маса ҳам борардим.

Негадир охири сўзларим ўзимга ҳам эриш туюлди. Кўнглимни бир савол оралаб ўтди: “Айтмаса ҳам борармидинг?”

Турди хола — онамнинг кадрдини. Қишлоғимда волидамнинг кўнгли яқинлари таллайгина — Иноят, Нишонгул, Ханифат, Улфатхон, Ҳамрохон, Саломат холаларим... бирини

урган қандайдир орзиқиш билан.

Унинг юзи ёришди. Яхшироқ жойлашиб ётаркан, парболишга чўкиб кетаётган муштдек боши, кафтдек юзи, кўрпа тагида билинар-билинмас жуссаси — бутун борлиги бирдан кичрайиб қолгандек, сим кроватда саксон йил дунё кўрган кекса ёшли нуроний эмас, гўдак бола ётгандек эди. Кўзларини эски томнинг нарёғида кўриниб турган осмонга, балким, унда беқарор сузиб юрган булут увадаларига тикканча бир зум ўйга толди.

— Бу ерларни обод қилган отанг бўлади. Биз бир неча йил кейин кўчиб келганмиз. Э, ни-

Ўзбек феъли

— Умар акам уй-жой дега-нидами, ҳар бир машинадан биттадан тахта олиб қўйгани-даям олтига боласига қаср қуриб қўйган бўларди. Ҳалол одам эди даданг, ҳўжаликнинг битта чўпига ҳам хиёнат қилмади. Бир бугалтир бориди, ана ўша ярамас молхонасини ўғрилиқ ёғочга тўлдириб, сигирларини боққа чиқариб қўйган экан. Бир кечада бор молини ўғирлаб кетишган. Кўпчиликнинг ҳақи-да, тешиб чиққан.

Тўғриси, мени атай қақир-тирган одамдан ўзи ҳақидаги хотираларни кутгандим. Мавзуну бурмоқчи бўлдим:

— Сиз кўчиб келганингизда одам кўпмиди?

— Қишлоқнинг ярми тўлган эди. На девор, на дарвоза бор, шамол турса, чангдан кўз очолмайсан. Атроф бийдай дала. Бу боғ-роғлар, соя-салқин кўчаларни машаққат билан яратдик, болам. Ўша меҳнатларимизи-и-и-ий...

Яна ўша маҳзун кўшиқ... Қоқ чўлдан то гўзал қишлоққача даврлар аро чўзилган, дунёдаги энг узун кўшиқ. Инсон қисмати, манзиллар, дийдор, айрилиқ, меҳр, армонлардан яралган хониш. У қалбимнинг туб-тубига кириб бориб, борлигини ўзи ҳам билмаган эзгин туйғуларимни уйғотиб юборди.

— Энди замон бошқача, — хўрсиниб қўйди Турди хола. — Одамлар ҳам ўзгарган. Югур-югур билан кунлар ўтади, бир-бирига қараш йўқ. Ортга қарашни-ку, гапирма. Манавиларни кўрсанг-чи, — деди у ҳовлида куймаланиб юрган бола-чақасига ишора қилиб, — бирпас ёнимда ўтиришга вақтлари йўқ. Худди шулар тўхта-са, дунё тўхтаб қолади. Билмайдиларки, уларнинг ўйлаган ўйи менинг ўйимга ямоқ ҳам бўлмайди. Нимани кўрипти булар.

— Ким бор, хуув, Турди хола-ю!

Қўшни уй томондан аввал овоз келди, сўнг ўртадаги пахса деворнинг кемтик жойидан Қизлархон опанинг қип-қизил юзи кўринди. У жилмайиб салом берди-да, тагига сочиқ қўйилган иккита нон узатди:

— Кечадан бери ҳеч чиқолмайман, тузукмисиз? Нон ёлғандим, иссиққина еб олинглар.

Келинлардан бири нонни “пуф-пуф”лаб олиб келди. Синдириб, дастурхонга қўйди. Яна “олинг-олинг” бошланди. Бугдой ноннинг мазасидан хузур қилганча, пахса деворнинг кемтигига қарадим. Қўшнилари ўртасида ош-нон узатилавериш, нураб кетибди. Дарчалар суваб ташланган, лекин барибир оқибат яшашпти. Девор оша, даврлар оша, тузумлар оша яшашпти! Одамлар келаверади, кетаверади, меҳр эса барҳаёт.

...Ўшандан бери ўйлайман: эҳтимол, девордаги ўша кемтик дунёнинг бор камларини тўлдириб турганди?! Ўша кемтик — меҳр учун қолдирилган дарча бўлса, не ажаб?

Гулчеҳра АСРОНОВА.

Буни ҳаёт дейдилар

УФҚҚА ТЕРМИЛГАН ОНА

Қиш ҳар доимгидан қорли-кировли келди. Майрам холанинг кўнглига чироқ ёқса ёришмайди, бутун қишни об-ҳаводан нолиб ўтказди. Ўтган йилдан буён шу аҳвол, нима ёғса, шугина кампирнинг ичига ёғади. Ўғли Шодибекни ўйлайди. У ерларнинг совуғи жон-жонидан ўтиб кетгандир...

Ажаб, жуда чўзилиб, юрак-бағрингни ўртайверса, соғинч ҳам хасталикка айланаркан. Майрам холанинг ҳеч қаери оғримайди-ю, бутун қиш қаддини кўтаролмай юрди. Ўзининг таъбирича, “ичи тўкилиб бўлди”.

Бугун уфқ қип-қизил, ажабмас, эртага куёш йилтиллаб қолса. Майрам хола илиқликнинг умидбахш муждасини яхшироқ томоша қилиш учун атай кўчага чиқди. Ҳассасига суюниб, хув адирлар устида ястанган манзарага узоқ термилиб турди. Шодибек кетган ўлка қай тарафда ўзи, деб сўраганида, шу ёқни кўрсатишган. Ўшандан буён шу томонга қараса, дилига яқин бир нимани туяди. Билади — ана шу уфқ ортида унинг дилбанди бор. Хиралашиб қолган кўзларига нимаики илинса — ҳар бир нуқта одам шаклига кириб, Шодибек бўлиб кўринади. Қариганда топган боласи-да, ё кенжатоғлиги учунми, унга меҳри бўлақча. “Ризқи тариқдай сочилган экан-да шўрлик боламнинг, найлайин”...

Кўчадан ўтиб кетаётган одам рўпарасида тўхтаб, салом берди. Жуда таниш.

— Сен ҳалиги... — манглайини тириштирди Майрам хола, — биргаднинг ўғлимисан, а? Отинг нимаиди?

— Рустамман, хола. Бардаммисиз, ишқилиб?

— Ҳа, юрибман бир амаллаб. Ҳаво-жаҳонни бир кўрай деб чиқувдим. Қишнинг адоғиям зориқтирворди, болам. Биларсан, Шодибегим четга ишлагани кетган. Ўшани дарди қуритди мени.

Майрам хола охири пайтлар шунақа одат чиқарган — ҳол сўраганич одамга Шодибекдан гапириб, дардини тўкиб солади. Бу дард юрагига сигмай қолди, гапирмаса чок-чокидан сўкилиб кетиши мумкин....

— Хабарим бор, яхши иш бўлмабди, — деди Рустам, бошини афсуснамо сараклатди. — Кўп ўзингизга олманг, келиб ҳам қолар.

Ўзи бугун Майрам хола тўлиб турганди, дарров кўзига ёш олди.

— Бошда айтувдим-а, “Кўй, ўша ёқда сенга нима бор, қизиқтириб қақираётганларнинг ҳам бири икки бўлмади-ку, қайтанга ўзингнинг бир чиройлик ишинг бор”, дегандим. Қузда уйлантирмоқчидайди. Бу бола тушмагур бир-иккита дўстларининг гапига учиб кетворди. Ҳа, хўп, бординг, уста-пустачилик қилиб юрaverмайсанми! Ота-буванг қилмаган ишга уриниб нима қилардинг! — Хола Рустамга жавдираб термилди: — Эшитгандирсан, қартишка экиб, бироз бўпти болам бояқиш. Нақ ўн гектар жойга экиб, сиз ўзи қараганмиш. Эпполмаган-да. Мана энди тўлайман деб юрибди. Акалари оз қолди, яқинда қутилади, дейишашпти. Ажабмас, тезроқ қутилади кела қолса...

Рустам бир муддат ўйга толди-да, бисотидаги бор илиқ сўзларни айтиб, бувининг кўнглини кўтарган бўлди. Сўнг хайрлашиб, гузар томонга юриб кетди. Йўлда учраган ҳамқишлоғи билан сўраша туриб, беихтиёр ортига қайрилиб қаради.

— Майрам холани кўрдинг, — деди кампир томонга ишора қилиб. — Ўғлининг дардида букчайиб қопти, шўрлик. Хайриятки, боласининг бебошлигини, қамалиб кетганини билмас экан.

— Йўғ-е, ҳалиям билмас эканми?

— Катта ўғиллари бошқача айтишибди, қарз тўлаб юрибди деб ўйларкан. Агар билсанми...

Бу пайт Майрам хола икки қўли билан ҳассасига ёпишганча уфққа нигоҳ қадаб турар, ўзича пичирларди: “У ерларнинг тилини билмасанг, қартишка экиб нима қилардинг, болам”...

ГУЛЧЕҲРА.

ОҚИБАТ ДАРЧАСИ



айтсам, бири қолади. Уларнинг бари менга онамдек меҳр кўрсатишади. Келганимда хурсанд бўлиб йўлимга пешвоз чиқашади.

Опам билан етаклашиб, дарвозадан кириб бордик. Турди хола шундоқина айвонда, темир кроватда қалин кўрпага бурканиб, худди кимнидир кутаётгандай, кўча эшикка термулиб ётган экан...

— Ии-ий, айланаиб кетайлар, келинлар!

Онахоннинг юз-кўзларида мамнунлик ифодаси балкиди, ўтирмоққа шайланиб, туришга уринди, аммо ётган жойидан кўзгала олмади. Кўришиб, хол-ахвол сўрашяпмизу, юрагимни бир ўй беаёв эзгилайди: қадамидан ўт чақнаган одамлар ҳам бир кун келиб шу ахволга тушадиларми? Онамни кўрган меҳрибонларим ҳам қариб-қартайиб, алал-оқибат биринкетин бу дунёни ташлаб кетаверадиларми?..

Келин-қизлари дарров жой хозирлашди. Одмигина дастурхон ёзиб, бугдой нон, каттакон чинни косада қаймоқ, қанд-курс келтириб, човгумга ўт қаладилар.

Турди холанинг ранги анча синик эди. Бироқ, не ажабки, табиғатга хос некинлик уни ҳамон тарқ этмаганди — бетоблигидан нолиб ўтирмай, гапни индаллосидан бошлади:

— Қизим, сени анчадан бери кутаётгандим, — деди киртайган кўзларини менга тикиб. — Эшитдим, қишлоғимиз ҳақида китоб ёзибсан. Энди мен айтган одамларни-ям ёзишинг керак. Бу омонат гап.

— Албатта ёзаман, айтавегин! — дедим ич-ичимда жўш

масини атай, унда ҳаёт ҳам, одамлар ҳам бошқача эди. Лойсувоқ уйда яшардик. Сизларнинг Мангал кампир деган бир кўшнилари бор эди. Ёлғиз яшарди. Шу кампирнинг бирор марта қозон осиб, тагига ўт ёққанини эл кўрмаган. Худонинг берган куни сизларникида эди. Отинча холам (энамни шундай аташарди) кўярда-қўймай овқатга чақириб юриб, охири Мангал энани оилангизга эл қилиб олган эди. Онанг-чи, онанг! Малол олиш ўрнига, ўтиргизгани жой тополмасди. Сурма опам-ии-ий...

Бу унинг одати — туйғуларни жўш урганда сўзининг охирини узундан-узун чўзиб айтади. Бироқ, бу чўзиш эндиликда бошқача эшитилар, унинг оҳангига ҳазин саслар қоришиб, ўзгача бир маънони, соғинчними, кўмсашними ифодаларди. Энди унинг бу оҳанги хиргойига айланган эди. Кўзлари ним юмилган, заъфарон юзида йилларнинг сонсиз излари, юпка лаблари хиёл титраб, Турди хола ўзининг қадим қўшиғини куйларди, гўё. Бу соғинч, ачиниш, муттасил кўмсашнинг мунгли қўшиғи эди. Умрнинг пасту баландлари звида улғайган туйғуларнинг эририлиш қўшиғи эди...

Турди хола моҳир ҳикоячи эмасди. Узук-юлуқ хотираларнинг ҳаммаси шу заминнинг, қишлоғимнинг тарихи ва келажигини яратган одамлар ҳақидаги ҳикоялар эди. Уларнинг кўллари ота-онам билан боғлиқлиги эса биз қишлоқнинг биринчи одамлари бўлиб, отам қишлоқнинг барпо этилишида раҳбарлик қилгани боисди.

ТИРСАК БЎҒИМИ: ХАВФ ВА АСОРАТЛАР

Инсон тирсак бўғимини беҳосдан уриб олганда, тирсак бўғими билан йиқилиб тушганда, спорт машғулотларида тан жароҳати олганда лат ёйди.

Тирсак бўғимининг лат ёйиши бу тери бутунлигининг бузилмасдан ёғ ва мушак тўқималарининг жароҳатланишидир.

Шифохонага муружаат қилган беморнинг жароҳат соҳасини кўздан кечирганда, тирсак бўғимининг лат еган жойининг шишиб чиққанлиги, қонталаш бўлиб қолганлиги кузатилади. Шиш соҳа пайпаслаганда оғриқди ва тирсак бўғими ҳаракати кескин чегараланган бўлади. Лат еган жойда шишнинг катта ёки кичиклиги ташқи куч таъсирига ва бўғимга қўйилган қон-гематома микдорига боғлиқ. Тирсак бўғими юмшоқ тўқималари лат еган беморларга ташхис қўйиш шифокорга қийинчилик туғдирмайди. Тирсак бўғимини ҳосил қилишда қатнашадиган елка ва билак суяқларининг жароҳатланганлигини аниқлаш учун, албатта, тирсак бўғими соҳасини 2 кўриниш (проекция)да рентген суратига тушириш керак.

Бемор тирсак бўғимидан тан жароҳати олганда ўз вақтида шифокорга муружаат қилмаса, оғир асорат, яъни, тирсак бўғимида гетеротопик оссификатлар ривожланиши мумкин. Тирсак бўғимидаги жароҳатдан кейинги оссификатлар, асосан, ўсмирларда кўп учрайди.

Тирсак бўғимида оссификатларнинг пайдо бўлиши мушак толалари ва қон томирларининг шикастланиши билан бирга кечади. Лат ёйиш натижасида бўғимга қўйилган қон тирсак бўғими бўшлиқларини тўлдирди ва атроф тўқималарга кириб боради. Натижада мушаклар аро гематомалар ҳосил бўлади ва бўшлиқлар бўйлаб дистал йўналишда тарқатилади. Кўпинча улар тезда сўрилади, аммо баъзи ҳолатда сўрилмаб қолса, у оссификатга айланади, бунинг сабаби тиббиётда ҳозирги кунга-ча аниқланмаган. Тирсак бўғимида оссификатлар,

асосан, парартикуляр тўқималарда жойлашади. Гетеротопик оссификатлар тирсак бўғимининг олди ёки орқа юзасида бўлади. Бу эса касалликнинг даволаш муддатини узайтиради ва унинг оқибатини оғирлаштиради, агарда гетеротопик оссификатлар тирсак бўғимини орқа-ички юзасида жойлашган бўлса, тирсак нервини босиб қўйиши мумкин. Бунинг натижасида тирсак нерви невропатияси юзага келади. Натижада беморларнинг меҳнат қobiliяти сусайишига ва ногиронликка олиб келади.

Беморлар шифокорларга муружаат қилишининг асосий сабаблари, унинг тирсак бўғими ҳаракатининг кескин чегараланганлиги ва қаттиқ ҳосила пайдо бўлганлиги билан ифодланади. Беморга тирсак бўғимида оссификат бор ёки йўқлигини аниқлаш учун клиник, рентгенологик, кўп қаватли компьютер томографик текширув усуллари (МСКТ), электромиография, доплерография, биохимик, неврологик, морфологик текширув усулларидан фойдаланилади.

Клиник қўриқда, беморнинг жароҳат тафсилотлари ўрганилгандан кейин тирсак бўғими пайпасланганда тирсак бўғими олди ёки орқа юзасидаги ҳосила кўзга уннаши, тирсак бўғими ҳаракатини чегараланганлиги, оғриқ синдромини кучайиш белгилари, қўл кучининг камайиб бориши, эски жароҳат соҳасида доимий оғриқнинг бўлиши, кейинчалик мушакларнинг функционал қobiliятининг камайиши билан бирга кечади.

Тиббий кўриқдан кейин, албатта, тирсак бўғимини икки кўриниш (проекция) да рентген суратига тушириш керак. Шунинг унутмаслик керакки, оссификатлар тан жароҳатидан кейин 1-2 ҳафтада ҳам рентген суратида аниқ кўринмайди. 3-5 ҳафтада тирсак бўғимида оссификатга айланаётган суяқлар булутсимон соя кўринишида

бўлади.

XXI аср техникасининг ривожланиши натижасида компьютер томографик текширув усуллари (МСКТ) пайдо бўлиши оссификатларни эрта аниқлашда кенг имкониятлар яратди, яъни тирсак бўғими жароҳатидан кейин биринчи ҳафталарида оссификатлар-



га айланаётган гематомаларнинг жойлашган ўрнини, вақтинчи, ҳажминини, шаклини ва бошқа тўқималарга нисбатан жойлашган ўрнини аниқлашга ва даволаш тактикасини тўғри танлашга ёрдам беради.

Тирсак бўғими юмшоқ тўқималарининг лат ёйишида беморнинг шикастланган тирсак бўғимини юмшоқ боғлам ёки гипс боғлами билан 2-3 ҳафта давомида иммобилизация қилиш тавсия қилинади. Лат еган соҳада тери ости гематома ҳолатига қараб, биринчи суткада совуқ (музли халталар) қўйиш тавсия этилади. Тан жароҳати олган учинчи кундан бошлаб физиотерапевтик муолажа УВЧ, электрофорез+новокаи эритмаси билан буорилади. Тирсак бўғимида шиш ҳажми катта бўлса, гематомани чиқариб ташлаш учун асептик шароитда пункция қилинади.

Тирсак бўғимида жароҳатдан кейинги юзага келган гетеротопик оссификатларни даволаш 2-гурух — консерватив ва оператив даволашга бўлинади.

Соғлигимиз — бойлигимиз

Таассуф

“ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ” ИШЛАСА...

Эрталаб соат саккиз яримларда Кўйлик мавзесидан 37-йўналишда катнайдиган автобусда келаятгандим. Ичкари тирбанд. Кўпчилик қаергадир шошилаётгани аниқ. Лекин ўттиз ёшлардаги ҳайдовчи йигитнинг парвойи палак — телефондан кулоғи бўшамайди, бу ҳам етмагандек, бошқа автобуслар билан “пойга” ўйнашни кўрсангиз юрагингиз орқага тортади.

Метрога яқинлашганимизда учиб кетаётган баҳайбат “Мерседес” шунақа тез тўхтадики, орқадаги йўловчилар нақ олдинга ўтиб кетдилар. Бир маҳал халиги ҳайдовчи телефонда ким биландир шунақа оҳангда сўқича кетдики, айтишга уяласан одам. Аламини кимдан олишни билмаган шоққалоқ йигитча навбатдаги бекатда тўхтамади. Тушишга ҳозирлик кўрган олтимеш ёшлардаги амаки жиғибирон бўлиб, “Ҳой, тўхтат, қаёққа кетясан, нега эрталабдан бизнинг асабимизга тегасан?”, деганди, ба-лога қолди. “Ҳохласангиз шу, бўлмаса, ана катта кўча, таксида юринг”, деса бўладими. Бу худбин ҳайдовчининг кўпол муомаласи ҳаммамизга жуда қаттиқ таъсир қилди.

Бундай ҳолатга кўп бора гувоҳ бўлганлигим боис пойтахтимиздаги йўловчи ташиш транспортига масъул бўлганлар эътиборига қўйидаги таклифни билдирмоқчиман. Бугунги кунда республикамиздаги барча давлат идоралари фаолиятини кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда назорат қилиш мақсадида “Ишонч телефон”лари ташкил этилиб, бу хайрли иш йил сайин оммалашиб бормоқда, яъни ўзини оқлапти. Демак, айнан йўловчиларга беминнат хизмат кўрсатаётган автобус (бошқа автотранспорт воситалари ҳам бундан мустасно эмас) ҳайдовчилари фаолиятида ҳам ана шундай назоратга эҳтиёж сезилаётганини инобатга олиб, энг аввало, йўл ҳаракати қоидаларини кўпол равишда бузаятган ҳамда хизмат кўрсатиш маданиятига рўй қилинмаётган ҳолатлар юзасидан ўша автокорхона маъмуриятига зудлик билан телефон орқали хабар берилса.

Мабодо менинг ушбу фикрларимга шубҳангиз бўлса, марҳамат, пойтахтимиздаги баъзи бир йўналишда катновчи автобус (улар орасида тажрибали, фидойи инсонлар кўплигини унутмаган ҳолда) ҳайдовчилари фаолиятини кузатсангиз худди шундай ташвишли ҳолат юз бераётганига гувоҳ бўласиз.

Сирожддин ПЎЛАТОВ,
ўқитувчи.

ШУКУҲЛИ КУНЛАР ҚАДРИ

Истиклол йилларида соғлом ва баркамол авлод тарбияси умуммиллий ҳаракатга айланди. Маэкур йўналишдаги ишлар янгича мазмун билан бойитилмоқда. Оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида белгиланди. Давлатимиз томонидан ҳар соҳада, айниқса, тиббиётда — генетик хизматни такомиллаштириш, ҳомилада ривожланиш нуқсонларини аниқлаш учун туғруққа қадар диагностика, чақалоқларда ирсий касалликларга скрининг текширувларини ўтказиш борасидаги тизимли лойиҳалар асосида болаликдан ногиронлик кўрсаткичларини камайтиришга эришилаётганлиги ёш авлодга қаратилаётган юксак эътиборнинг ўзига хос намунаси.

Таълим муассасаларида тиббий-генетик соҳа мутахассислари иштирокидаги учрашувлар, аҳоли ўртасида олиб борилаётган тушунтириш ишлари кенг жамоатчилик ўртасида тиббий маданиятнинг ошишига хизмат қилаётгани кувонарлидир.

Мустақиллик йилларига келиб, пойтахтимиз, жумладан, барча вилоят марказлари, туман, қишлоқ ва овулларда оламшумул ўзгаришлар юз берганига барчамиз гувоҳимиз. Айниқса, кенг кўчалар, равон йўللар, ҳашаматли кўприклар, ўзига хос архитектура тизимига эга бўлган, кўзни қамаштирувчи мухташам бинолар, обод ҳамда файзли масканларни кўрганимизда дилларимиз яйрайди, албатта. Қолаверса, бугунги кунда хорижлик сайёҳ-

ларнинг диққат-эътиборини ўзига тортиб келаётган Темурийлар тарихи давлат музейи, Халқаро анжуманлар саройи, Алишер Навоий номидаги кутубхона, Олий Мажлис Сенати биноларини томоша қилган ҳар қандай фуқаронинг қалби юксалади. Энг қувонарли жиҳати, юртимиздаги отахон ва онахонларимизнинг ёруғ дуо-ниятларида шундай дориламон кунларга етказганига шукроналар айтилмоқда. Бу эса ҳар бир кўнглига фахру ифтихор бағишлайди. Жаннатмонанд, бетакрор заминимизни асраб-авайлаш, гуллаб-яшнатиш ҳар биримизнинг қўлимизда. Зеро, шундай фараҳбахш кунларнинг ҳар бири лаҳзаси биз учун нақадар қадри эканлигини ҳеч қачон унутмайлик.

Одил АБДУХОЛИҚОВ,
Бекобод шаҳар 1-сонли
ДНИ нотариуси.

ГЎДАК ҲИДИН УНУТГАН ОНА

...Мурғаккина бу қизалоқнинг туғилиши ота-онани қувонтирмади, отанинг кўнглига аксинча, оилани бузиш аҳдини солди. Икки норасидаси билан ёлғиз қолган онанинг юраги тошга айланди. Фарзандларининг бахтини эмас, ўз тинчини, манфаатини устун қўйди. Ҳали суяги қотмаган, йигирма кунлик ҳам бўлмаган чақалоқни сотиш пайига тушди. Синглиси Гулнора бу "олов"га сув сепиш ўрнига ёғ қуйиб, опасининг гуноҳига шерик бўлди. Ётоқхонада яшаётган опа-синглининг чақалоқ сотиш ҳақидаги қабих режаси тезда кўчага тарқалди. Бола олувчилар ҳам дарров топилди. Шу таклиф билан кўнгирак қилганларга аввалига: "Йўқ, боламни сотмайман" деган Нигора кўп ўтмай, ўзи SMS орқали розилик билдирди.

Чақалоқ "савдоси"ни эса норасида қондошига меҳр кўрсатиб, опасига ёрдам бериш ўрнига жигаридан қутулиш йўлларини излаётган Гулнора ҳал қилди. Бола олувчи билан учрашиш,

унга болани кўрсатиш ва баҳосини келишиш ҳали турмушга чиқмаган бу қизни асло чўчитмади. Келишилган пулнинг бир қисмини олгач, қизалоқнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасини қолган пулни олгач беришини айтиб, чақалоқни кийинтириб, "эгаси"га топширди. "Савдо"ни жуда тез ва силлиққина битирдим, деб ўйлаб, хурсанд бўлган Гулнора чучварани хом санаган эди...


У норасида гўдакнинг бир томчи кўз ёшига ҳам арзимайдиган пуллар хаёли билан хонага шошаётганда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимлари томонидан қўлга олинди. Опа-синглилар қонун олдида жавоб беришга мажбур бўлдилар. Бешиқ тебратили лозим бўлган қўлларга кишан солинди. Опа-синглилар одил суд томонидан жавобгарликка тортилди. Болалар меҳрни онасидан эмас бегоналардан қўрадиган бўлди. Кўзи кеч очилган опа-сингил чақалоқфурушлар эса қилмишидан пушаймон.

Биз бу мудҳиш иллатнинг асл илдизини қону-

ний никоҳсиз қурилган оила пойдеворининг тез кулашидан топдик. Чунки Нигора Мансурова ҳам қонуний никоҳдан ўтмай Ш. Хидиров (исм-шарифлар шартли) билан турмуш қурган эди. Икки нафар фарзанд дунёга келди. Иккинчи фарзанд туғилгач, оила бошлиғи уларни ташлаб кетди. Омонат қурилган оила жуда тез барбод бўлди.

Шу ўринда бир мулоҳаза кўнгилдан ўтади: уруш йилларида одамлар ночорликдан, муҳтожликдан эзилиб, бир парча нонга зор бўлиб, бор-будини сотгани ҳақида кўп эшитганмиз. Аммо шундай оғир йилларда ҳам ҳеч ким боласини қўя турарлик, ҳатто бешиқ сотмаган экан. Дилбандининг болагини аллалаган табаррук бешиқни кексалар боламининг боласига, унинг набира-чеварларига буюрсин, деб асрашган. Демак, бу урф-одат замирида ўзига хос ҳикмат, миллатимизга хос ўлмас қадрият бор. Миллатнинг давомийлигига ишонч, авлодларга меҳр-муҳаббат бор.

Бугун эса шундай тинч ва осойишта замонда ҳам бешиқ эмас, ҳатто ўз боласини сотаётган кимса-



Ойна

ларнинг борлигини афсуски эшитяпмиз, кўряпмиз. Наҳотки, уруш йилларида ота-онасиз қолган минглаб болаларни бағрига олиб, ўзи емай уларга едирган, ўзи ичмай уларга ичирган, ўзи қаҳратонда совуқда қолса ҳам ҳимояга муҳтож норасидаларга паноҳ берган, уларни бошқа миллатнинг боласи деб бегона қилмай, беминнат ва беҳисоб меҳр ардоғида камолга етказган халқнинг вакили эканлигимизни унутган бўлсак?..

Шу ўринда яна бир ноҳус манзарага — қўлида сўнги русумдаги телефон, бармоқларида қимматбаҳо тақинчоқлар, қошу кўзлар гўё саҳнага чиқаётган оғир йилларда ҳам ҳеч ким боласини қўя турарлик, ҳатто бешиқ сотмаган экан. Дилбандининг болагини аллалаган табаррук бешиқни кексалар боламининг боласига, унинг набира-чеварларига буюрсин, деб асрашган. Демак, бу урф-одат замирида ўзига хос ҳикмат, миллатимизга хос ўлмас қадрият бор. Миллатнинг давомийлигига ишонч, авлодларга меҳр-муҳаббат бор.

Замонлар ўзгаради, дунё ўзгаради, ҳамма нарса ўзгаради ҳам фақат ҳаётнинг ширинлиги ва она меҳри ўзгармай қолади, деб ўйлаб хато қилдикми?..

Маруса ХОСИЛОВА,
журналист.
Навоий вилояти.



ТОШБАҚА УЧУН ТУННЕЛЬ

Бир қарашда япон темирйўлчилари тошбақаларни тарақлаб ўтаётган поезд гилдирақларидан ҳимоя қилиш чораси сифатида махсус туннель яратишиб, муҳим ишни амалга оширган-



дек туюлади. Аслида бу ишнинг муҳимлиги нафақат тошбақаларга гамхўрлик, балки поезд ва йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш билан кўпроқ боғлиқдир. Гап шундаки, Япония темирйўлларида махсус ўтказгичлар орасига кириб қолган тошбақаларнинг поездни кўзланган манзил сари йўналтиришга ҳалақит берган ҳолатлари кўп кузатилган.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

ҚАРЗНИ УНДИРИБ ОЛИШ ТАРТИБИ

Қарзни ундириб олишда қандай ҳуқуқий тартибларга асосланиш керак?
А. Очилова.

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 732-моддасига асосан: Қарз бераётган шахс пул ёки ашёларни қарз олувчига топширган пайтдан бошлаб қарз шартномаси тузилган ҳисобланади. Шартнома оғзаки ва ёзма тартибда тузилиши ҳам мумкин. Оғзаки тартибдаги шартномалар кўпинча шу пайтнинг ўзида бажарилиши билан характерли. Фуқаролар ўртасида қарз шартномаси, агар бу қарзнинг миқдори энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортқ бўлса, оддий ёзма шаклда тузилиши шарт.

Қарзни қайтариш ҳақида қарздорни огоҳлантирганингиздан кейин ҳам натижа бўлмаса, сизнинг манфаатларингизни суд ҳимоя қилади. Суд орқали қарзни қайтариб олиш билан бирга, келишувни бузгани учун қарздордан қонунда назарда тутилган миқдорда қарз бўйича фоизлар тўлашини ҳам талаб қилишингиз мумкин.

Саволга Юнусобод туманидаги ДНИ нотариуслари Феруза ТУРСУНОВА,
Насиба РЎЗИҚУЛОВА
жавоб берди.

ОТА-ОНА ТАЪМИНЛАЙДИ

Боланинг оиладаги ҳуқуқлари ва таъминоти қонунчилигимизда қандай белгиланган?
О. Луқмонова.

— "Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 13-моддасига қўра: Ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, улар билан бирга яшаш ва уларнинг гамхўрлигидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Унинг манфаатларига зид бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Конституцияимизнинг 14-бобида ота-оналарнинг фарзандлар олдидаги ёки вояга етган меҳнатта лаёқатли фарзандларнинг ота-оналар олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 96-моддасига асосан: Ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шарт. Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота-онадан суднинг хал қилуви қарорига ёки суд буйругига асосан алимент ундирилади. Вояга етмаган болаларга алимент тўлаш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаганда ёки алимент ихтиёрий равишда тўланмаганда ва ота-онадан бирортаси ҳам алимент ундириш тўғрисида судга даъво ёхуд ариза билан мурожаат қилмаган ҳолларда, васийлик ва ҳомийлик органлари вояга етмаган боланинг таъминоти учун ота ёки онадан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво кўзгатишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Саволга Тошкент шаҳридаги "Наврўз" Никоҳ уйининг 1-тоифали инспектори Малоҳат ОБЛОҚУЛОВА жавоб берди.

ТАБРИКЛАЙМИЗ

Азиз ва меҳрибон ойижонимиз Дилбар она!

Туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Дадажонимиз, набираларингиз, ўғил ва қизларингиз бахтига доим соғ-омон бўлинг.

Раҳимхўжаевлар оиласи



ЭЪЛО! УЙ СОТИЛАДИ

4/1/2 қаватли уй, 4 хонали, ақфа ром, таъмирланмаган: фиштли, полтахта, электр, газ, қувур ўтган, 2 та кириш эшиги, 3 сотих, ўралган ери бор: мевали дарахтлар ва товуқ хонаси мавжуд.

Манзил: Зангиота тумани Кўксарой ҚФЙ, Дийдор маҳалласи.

Тел: +99890 980-64-24


Толипова Рохат Каримовна номига 22.02.1993 йилда Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур БТИСИ томонидан берилган Шайхонтоҳур тумани Ибн Сино мавзеи 1/6/27 хонадони План БТИСИ ва ордер йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sakor.uz



Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Олимжон ЖУМАБОВЕВ

Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ
Мусаҳҳилар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,
Камола АДАШБОВЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 4 5

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1236. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 4286. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20

Котибият: 233-04-35, 234-76-08